

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги кимё саноат маҳсулотларининг 8 май санасидаги савдо яқунлари

// 08 май 2020 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/birja20200508>

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги ўз савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотлари савдосининг 8 май санасидаги якуни бўйича маълумотларни тақдим этади.

Жорий йилнинг 8 май куни "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси очиқ биржа савдолари орқали 11261 тонна 26349 млн. сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Бир кун аввал бу кўрсаткич паст бўлган яъни 7 май куни 21183 млн. сўмлик 10597 тонна минерал ўғитлар сотилган.

Биржа савдоларига ташкилот тизимидаги "Фарғонаазот" АЖ, "Махсам-Chirchiq" АЖ, "Фарғонаазот" АЖ, "Амтафос-Махсам" АЖ, "Самарқанд НРК" ва "Деҳқонобод калий заводи" АЖлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аммиакли селитра, карбамид, сульфат аммоний, аммофос, PS-Агро, НРК-S (Са, Mg, Fe), калийли, НРК (5:14:14), нитрокальций-фосфат (НКФУ) маҳсулотлари қўйилди. Савдога қўйилган минерал ўғитлардан аммиакли селитра энг кўп сотилган маҳсулот бўлиб, сотувнинг 70 фоизини ташкил этди. Ҳаридорларнинг асосий қисмини пахта ва ғалла етиштирувчи кластер ва фермер хўжаликлари ташкил этди.

Шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖ тизимидаги корхоналар томонидан минерал ўғитлардан ташқари бугунги кун саноатида кенг қўлланилаётган ПВХ, каустик сода, формалин, натрий гипохлорид, кальциланган сода, азот кислотаси ва суюк кислород каби 100 га яқин кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Улар ҳам доимий равишда биржа савдоларига қўйиб борилади. 8 май куни жами 2373,6 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари сотилди. Бу кўрсаткич бир кун аввал юқори бўлган, 7 май куни 1088 млн. сўмлик бошқа турдаги кимё маҳсулотлари сотилган. Сотувнинг асосий қисмини яъни 70 фоизини кальциланган сода маҳсулоти ташкил этди.

Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасидаги "Ўзкимёсаноат" АЖ савдо майдончаси орқали ташкилот тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар савдоси бўйича барча маълумотларни www.uzkimyosanoat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги <https://t.me/uzkimyosanoat> ва <https://www.facebook.com/uzkimyosanoat/> расмий саҳифалари орқали олишингиз мумкин.

Маҳсулотларни етказиб бериш ва уларнинг сифат даражаси бўйича таклиф ва эътирозларингиз бўлса, (78) 140-74-48 ишонч телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати